

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 44 (590) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru



Қаршининг 2700, Соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллиги шарафига

Қашқадарё: Шукуҳли тонг оғушида

— Президентимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори Ватанимиз тақдирини, миллатимиз келажиги учун масъулликнинг ёрқин намунаси, — дейди биз билан суҳбатда таниқли олим Поён Равшанов. — Эътибор беринг-а, қарорда шундай гаплар бор: «...бу сана халқимизда ўзликни, миллий давлатчилигимизнинг бой анъаналарини ҳар томонлама чуқур англаш, орномус, гурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган умуммиллий байрам».

Ҳақиқатан ҳам, қадим ва навқирон шаҳар, буюк давлат арбоби ва машҳур саркарда юбилейи муносабати билан озмунча ишлар қилинмиш? Эҳе, уларнинг қай бирини қаламга олишни билмайсиз...

(Давоми 3-бетда)



Она шахрим жамоли

Бугун она шахрим — Қарши шукуҳли дамлар, камдан-кам шаҳарларга насиб этувчи унутилмас тарихий лаҳзалар оғушида. Ер юзиде инсоният тақдирини, илм-фан ривожини билан қизиқадиган барча кишиларнинг нигоҳи Қаршига, улкан тўй нишонланаётган тарихий маконга қадалган.

Мана шундай қувончли онларда ўзимиз туғилиб ўсган заминнинг нақадар улуг ва бебаҳо, бой тарихга эга эканлигини беҳад гурурланамиз. Қаршининг Эски шаҳар қисмидаги ёдгорликларни кўриб, жуда улкан тарихни елкасида тутиб турган Одина масжидини, Сардобани, иккинчи умр бағишланган Бекмир, Қилиқбек, Абдулазизхон мадрасалари ва бошқа тарихий обидаларга қараб кўзингиз қувонади. Қисқа вақт ичида таниб бўлмаган даражада ўзгарган Қаршининг бугунги қиёфаси, ҳусни жамолидан инсоннинг яратувчи сиёсий салоҳияти олдига ҳайратга тушади. Барча қулайликларга эга бўлган болалар боғи, кайта қурилган, таъмирланган Ўзбекистон, Насоф, Мустанкилик, Жайхун қўчаларини, Мустақиллик майдонини, бозорлар ва савдо мажмуаларини кўриб қалбингиз ифтихор туйғуларига тўланади.

Буларнинг бари қаршиликларнинг аҳил, ҳамжиҳат бўлиб қилган меҳнатини натижасидир. Юртдошларимнинг ўз шаҳридан, унинг тарихини ва бугунидан гурурланишларини кўриб, улкан ўзгаришлар замирида ҳалол меҳнатлари ётганига яна бир қарра ишонч ҳосил этаман.

Бугун умуммиллий байрам даражасида нишонланаётган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи олдидан амалга оширилган улкан бунёдкорликни ҳаракатлантирган куч Юртбошимизнинг юксак эътибори эканлигига амин бўлдим. Бунинг гунаҳар-шижоат билан меҳнат қиладиган қаршиликларнинг миннатдор қиёфаларидан, кўтаринки кайфиятларидан илгаш мумкин.

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Сессиядан кейинги ўйлар

Сабаблар ва сабоқлар...

Яқиндагина истиқлолга эришганимизнинг 15 йиллигини кенг нишонладик. Орта қолган вақт, албатта, қисқа. Бироқ, ана шу қисқа муддат ҳам мамлакатимизнинг ўз бўластини кўрсата олишига кифоя қилди, десам янглишмайман. Зотан, ана шу вақт ичида юртимизда амалга оширилган кенг қамровли саъй-ҳаракатларнинг ширин меvasини бугун татиб турибмиз. Қадамлар улгвор, натижалар салмоқли. Белгилаётган режаларимиз эса умидбахш. Албатта, ютуқлар ўзимизники. Биздан уни ҳеч ким тортиб ололмайдди. Шу ўринда, янада дадил қадам ташлашимиз учун тўсиқ бўлаётган нуқсонлар хусусида айтмаслик мумкин эмас. Улар нималар ва қандай тўсиқлар эканлиги хусусида Президентимиз яқинда бўлиб ўтган Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида батафсил ва атрафлича тўхталиб ўтди.

Андижон салоҳияти жиҳатидан республикада ўзига яраша ўринга эга бўлган вилоятлардан бири саналади. Бироқ, кейинги йилларда унинг ана шу салоҳиятига соя тушгандек бўлди, назаримизда. Бунинг ўтган йилнинг май ойида Андижонда юз берган кўнгилсиз воқеалар ҳам исботлаши мумкин. Минг шукрки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган миллий истиқлол госяси ва миллий мафкура тарғиботига етарли эътибор берманлигимиз натижасидир. Бу бора-

да биз, зиёлилар лоқайдликка йўл қўйганлигимизни афсус билан тан олишимиз керак. Бу гап, шу жумладан, бизнинг кўп сонли партия дошларимизга ҳам тегишлидир.

Албатта, бу фожеанинг сабаблари аниқлашиб, уларни бартараф этиш учун кўп иш қилинди. Аммо, мавжуд муаммоларни бир қунда ҳал этиш мумкин эмас. Бунинг учун йиллар давомида узлуксиз ва самарали, узоқни кўзлаган ҳолда меҳнат қилмоқ лозим эдики, ана шу шижоат вилотининг собиқ раҳбарларида етишмади. Бу хусусда Юртбошимиз сессияда жонқуярлик билан алоҳида таъкидлади: «Вилотда ким қандай ашяпти, қайси оилада қанча одам ишляпти, қандай тўсиқлар эканлиги хусусида Президентимиз яқинда бўлиб ўтган Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида батафсил ва атрафлича тўхталиб ўтди.

Андижон салоҳияти жиҳатидан республикада ўзига яраша ўринга эга бўлган вилоятлардан бири саналади. Бироқ, кейинги йилларда унинг ана шу салоҳиятига соя тушгандек бўлди, назаримизда. Бунинг ўтган йилнинг май ойида Андижонда юз берган кўнгилсиз воқеалар ҳам исботлаши мумкин. Минг шукрки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган миллий истиқлол госяси ва миллий мафкура тарғиботига етарли эътибор берманлигимиз натижасидир. Бу бора-

да биз, зиёлилар лоқайдликка йўл қўйганлигимизни афсус билан тан олишимиз керак. Бу гап, шу жумладан, бизнинг кўп сонли партия дошларимизга ҳам тегишлидир.

«Надоматлар бўлсинки, — деди Юртбошимиз сессиядаги нутқида. — «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» деган ана шундай кайфият билан томошабин бўлиб яшаш қандай фожеали оқибатларга олиб келишини Андижон воқеалари мисолида ҳаммамиз кўрдик ва бунинг жабрини тортидик». Худди шу фикр ижтимоий ҳаётимизнинг бошқа жаб-ҳаларига ҳам тегишли эмасми?

Эндиги вазифа юз берган хато ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқариш, вилотимиз шухратини тиклашдан иборат. Албатта, доғи ювиш осон эмас. Энг муҳими, халқимизда, ёшларимизда келажакка умид ва ишонч тўғрисида кучли фарзандларимиз асосий диққат-эътиборларини фан марраларини эгаллаб, чуқур билим олишга, замонавий компьютер технологиялари ҳамда дунёвий илмнинг мукамал ўрганишига қаратишган. Улар ўз Президентимизга, халқига содиқ, фидойи, ватанпарвар фарзандлар бўлиб камолга етишга интилоқдалар. Андижонликлар ўзининг ойдин йўлини тез кунлар ичида қайта кашф этиб, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига, вилотимиз шухратини яна юксалтиришга муносиб ҳисса қўйишига ишончимиз комил.

Мамазов ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
«Адолат» СДП Андижон вилоят
Кенгаши биринчи котиби

«Адолат»га обуна бўлинг!

2007 йилда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда юз бераётган янгилик ва ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиш, долзарб мавзудаги таҳлилий ва танқидий мақолаларни ўқишни истасангиз, «Адолат»га обуна бўлинг!

Айни пайтда почта ва алоқа бўлимларида «Адолат»га обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 100



Олий Мажлис Сенатида

Долзарб масалалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илғизар Собиров мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков раҳбарлигидаги мазкур ташкилот делегациясини қабул қилди.

Учрашувда халқаро сайлов стандартларини ҳисобга олган ҳолда икки давлат сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш ва демократлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ўтган амалий семинарда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси А.Вешняков маъруза қилди. Семинар Россия Федерацияси Марказий сай-

лов комиссиясининг давлат ҳокимияти вакиллик органларида сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги тажрибасининг айрим жиҳатларига бағишланди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари, сенаторлар, Конституциявий ва Олий суд судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиши институтининг олим ва мутахассислари иштирок этиди.

Семинар қизиқарли мунозара ва эркин фикр алмашув руҳида ўтди.

(ЎЗА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ҳомийлик фаолияти ва қонунчилик

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Ўзбекистонда ҳомийлик фаолиятини ривожлантиришнинг азалдан халқимизга хос фазилат бўлиб, одат тусини олган бу эъзу ишининг қонуний асосини яратиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Президентимиз Испом Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳомийлик соҳасидаги муносабатлар-

тиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ҳомийлик қилиш, бевабечораларга гамхўрлик кўрсатиш азалдан халқимизга хос фазилат бўлиб, одат тусини олган бу эъзу ишининг қонуний асосини яратиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Президентимиз Испом Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳомийлик соҳасидаги муносабатлар-

ни тартибга солишда алоҳида ўрин тутди. Қонун лойиҳаси 5 боб ва 22 моддадан иборат бўлиб, унда ҳомийлик фаолияти тушунчаси ва максаллари белгилаб берилган.

Муҳокамада бўлган ушбу қонун лойиҳаси бўйича бир қатор тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, янги қонун лойиҳасида ҳомийлик ташкилотлари ва қонун доирасидаги ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш юрдиқ еки жисмоний шахсларга имтиёзлар белгилаш билан боғлиқ ҳолатларга эътибор қаратилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон хотин-қизларининг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кучайтиришга оид миллий қонунчилик истиқболлари

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиянинг фракцияси раҳбари Д. Тошмухамедовнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон миллий Қонунчилигида имплементация қилиниши» республика илмий-амалий семинаридаги нутқи*

Мустақилликнинг илк кунларида ноқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда ва бошқа соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини таъминлашга эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори ўз миллий қиёфасида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқимизнинг миллий менталитетига хос ижобий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда майдонга чиқди.

Келажакда бу давр жамиятимизда аёлларни улуглаш, давлат томонидан уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш даври сифатида тарихда из қолдиради.

Зеро, мамлакатимиз Президентини Испом Абдуғаниевич Каримов «...Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир», деб таъкидлаган эдилар.

Юртимизда амалга оширилаётган кўпга таъдирлар аёллар масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши билан алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса жамиятимизда аёллар масаласига ҳам умумижтимоий, ҳам диний-миллий жиҳатдан ёндоқишликни талаб қилади. Шу нуктага назардан қараганда, аёллар ҳуқуқларига оид замонавий ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлашда дунёвий қонунчилик талаблари билан бир қаторда ислом ҳуқуқи, жумладан, аёллар ҳуқуқларининг ўрнини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, гендер тенгликка эришиш — адолатли ва барқарор тарққиётнинг шартларидан биридир. Бу масалани ҳал этиш бозор иқтисодиёти исплохотлари йўлига ўтган ва ўтиш даврининг жиҳдий синовларини енгиб бораётган ёш мустақил давлатлар учун муҳим саналади. Жуда кўп мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам аҳолининг 50 фоизидан ортигини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларнинг давлат ва жамият қурилишида, иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида иштирок этиши — жамиятнинг ҳуқуқий давлат сари барқарор равишда олға боришининг муҳим йўналишларидан биридир.

Маърузамиз мавзусига кўра, таҳлилимиз бир-бирига боғлиқ икки йирик масаладан таркиб топади. Биринчиси — хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларга жалб этилиши, қарор қабул қилиш даражасидаги иштирокини кучайтириш бўлса, иккинчиси — бунинг амалга ошиши истиқболлари бевосита миллий қонунчилигимиз потенциалларида ва замирида ўрин топганлигини яна бир бор таъкидлашдир.

Шу кунга келиб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг 22 та Қонуни, 11 та Президент Фармони, 22 та Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа қонуности ҳужжатлари мавжуд. Энг муҳими, эришилган марраларда



зиёкор тўхталиш йўқ, жараён изчиллик билан давом эттирилмақда.

Биз миллий қонунчилигимизнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза этишдаги потенциаллари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, Асосий Қонунимиз — Конституциянинг 1992 йилдан қонун ҳужжатларини қабул қилишда қўлдан қўйиладиган қонунчиликнинг асосий қисми бўлиб қолганлигини унутмаслигимиз зарур.

Бундан ташқари, аёллар ҳуқуқларининг аниқ кафолатлари Меҳнат ва Оила Кодексларида белгилаб берилган. Ай-тиш зарурки, юртимизда аёлларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича алоҳида тизим ишлаб турибди: аёлларга таълим олиш ва малкавий тайёргарлик кўришда, ишда меҳнати эвазига муҳофотланиш ва хизматда ўсиш, иқтисодий сиёсий фаолият қилиш бўйича эркаклар билан тенг имкониятлар берилган. Аёллар бизда уларага хос бўлган қатор ижтимоий муҳофаза кафолатларидан, она ва болани ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини имплементация қилишда алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда таҳлил этилаётган йўналиш бўйича мана шундай истиқболли потенциалга эга миллий қонунчилигимизни бугунги кунда тегишли халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида такомиллаштиришга, уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга (имплементация қилишга) ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари орасида хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда жиҳдий такомиллаштиришга қўлдан қўйиладиган қонунчиликнинг асосий қисми бўлиб қолганлигини унутмаслигимиз зарур. Бундан ташқари, аёллар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, бу йўналишдаги қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига имплементация қилишнинг ўзига хос ва самарали йўлини оқимлари мавжуд.

Шу ўринда мавзуйимизга бевосита алоқадор бўлган тарихий бир ютуқни — 2004 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлисида сайловлар тўғрисида»ги Қонунини тегишли ўзгартиришлар қилиниши — сиёсий партиялардан Парламентга номзод этиб сайланаётганлар таркибиде 30 фоиз аёллар тақлиф этилиши зарурияти ҳақидаги 22-модда қўйилишини таҳлил қилиб қўрайлик.

Шубҳасиз, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш пировард қилад хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни давлат қурилишидаги тўлақонли ва тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш кўзда тутилган. Ўз навбатида, айнан мана шу исплоҳот, мамлакатимизда кечяётган аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолиятини кафолатлаш, уларни давлат ва жамият қурилишига кенгроқ жалб этиш жараёни мазкур йўналишдаги энг муҳим воқеа бўлди. Яъни, давлат аёлларнинг давлат қурилишида фаол иштирок этиши тарафдорлигини очик амалий намоён қилди ҳамда ушбу жараёнида алоҳида кафолатлади. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида демократик сайловлар орқали хотин-қизларнинг парламентдан ўрин олиши бўйича мамлакатимиз миқтасда етакчи кўрсаткичларга эга бўлди.

Мамлакатимизда аёлларнинг бошқарувда иштирок этишини кенгайтириш жараёнининг энг таъсирчан кўрсаткичини парламентдан изолар эканмиз, албатта, икки палатали профессионал парламентнинг мазкур жараёнига нисбатан қандай мақеда эканини англаб олиш зарур. Олий вакиллик ва қонунчилик органининг мазкур масала бўйича икки хил вазифани бажаради. Биринчидан, айнан парламент аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кучайтиришнинг қонуний асосини яратди, жараёни узда яққол акс эттиради, яъни «восита» вазифасини ўтайди. Иккинчидан, парламент аёлларнинг бошқарувдаги тенг ҳуқуқли ва тенг имкониятини иштирок этишини намойиш этадиган ўзига хос «майдон» вазифасини бажаради.

Парламент мамлакатнинг бошқа муҳим ижтимоий-сиёсий муаммоларини ҳал қилгани сингари, аёлларнинг қарор қабул қилиш даражасидаги иштирокини кучайтириш муаммосига ҳам ечим излайди.

(Давоми 2-бетда)

* — (қисқартirilган ҳолда чоп этилмоқда)

Ўзбекистон хотин-қизларининг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кучайтиришга оид миллий қонунчилик истиқболлари

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиянинг фракцияси раҳбари Д. Тошмухамедованинг "Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиниши" республика илмий-амалий семинаридаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда) Аёллар ўзларининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини бирор сиёсий партия, ижтимоий ташкилотлар орқали ёки ўз фикрини сиёсат майдонида мустақил олган суратдаги мустақил номзод сифатида амалга ошириши мумкин. Аммо нима учун биз барибир аёлларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кучайтириш мумкинми мавжуд демократизм?

Бу саволга жавобни аёлларнинг бошқарувдаги иштироки кучайган тақдирда қандай натижаларга эришиш мумкин деган мулоҳазадан бошласан. Маълумки, демократик механизмларни ишга солган равишда хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларга кўпроқ ва фаол жалб этилиши, охири-оқибат, айнан ўша демократик тамойилга мувофиқ қарор қабул қилиш даражасида эркак ва аёлларнинг тенг (паритет асосида) иштироки эшиги олиб келиши мумкин. Бу эҳсоннинг таъминини таъминлаш, иккинчидан, гоյлар рақобатини кучайтиришга, учинчидан ва энг муҳими, бошқарув сифатининг ошишига олиб келиши мумкин.

Аммо, ҳали ўша паритетнинг ўзи мавжуд эмас, яъни аёллар мавжуд демократик жараёнларда тенг иштирок этишга етарли даражада тайёр эмас. Ҳолбуки, уларнинг яратилган имконият ва имплементация ўринли фойдалана олиши — яна давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...улар маънавиятининг юксаклиги, сиёсий онгининг етуқлиги, ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши, ўзининг жамият ва оиладаги масъулиятини англаб етишига болғидир". Бу муаммонинг бартараф этилиши эса давлатимиз раҳбари таъкидлаган илгор стратегия — аввало хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва бунга параллел равишда аёлларнинг сиёсий фаоллигини, сиёсий маданиятини, қолаверса, сиёсий салоҳиятини ошириб бориш стратегиясини қўллашни тақозо этмоқда.

Бу стратегиянинг биринчи йўналиши — аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасида ҳукумат ва парламент қатор сай-ҳара-

катларни амалга оширмоқда. Чунки, "Микромолиялаш тўғрисида", "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Кредит уюшмалари тўғрисида" сингари қонунларнинг қабул қилиниши ёки тегишли тарзда янгитдан тахрир этилиши, шунингдек қасанчилик ҳаракатини ривожлантириш, тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилиши бевосита ушбу мақсадга йўналтирилган.

Иккинчи стратегик йўналиш — аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан мамлакатимизнинг қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари миқёсида рўёбга оширилган мақсадга йўналтирилган сайёҳаракатлар қаторида миллий сайёҳ қонунчилигимизга тегишли ўзгаришлар киритилиши, аёлларнинг ноҳукумат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлашни, сиёсий партияларнинг "Аёллар Кенгаши" ни яна фаолаштириши, кенг қўламадаги ташвиқот ишларини санаб ўтиш мумкин.

Ҳулоса қилиб айтганда, аввало бор, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат бунёд этишда муҳим кўрсаткич бўлиши, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жумладан, уларнинг давлат қурилишидаги иштирокини кучайтириш бўйича ҳуқуқларини кафолатлаш ва рўёбга ошириш бўйича миллий қонунчилигимизнинг истиқболли потенциалли бўлиши мавжуд; иккинчидан, айнан мана шу мазмундаги потенциални тўлиқ англаш ва фойдаланиш асосида миллий қонунчилигимизнинг хотин-қизлар ҳуқуқларига оид жиҳатларини халқаро ҳуқуқ нормаларига имплементация қилинишини бир жиҳатдан долзарб этади, бошқа жиҳатдан, бу жараён муваффақиятли кечяётгани таъминлайди, учинчидан, бевосита миллий қонунчилигимизнинг бу соҳадаги потенциалли ўзи истиқболда давлат ва жамият қурилишида эркак ва аёлларнинг тенг паритет асосида иштирокини таъминлаш, асосан, аёлларнинг бу жараёнга етарли тайёргарлигини намоён эта олмаётгани туфайли чекланиши мумкин; тўртинчидан, аёллар орасида қарор қабул қилиш даражасида иштирок этиа олиш салоҳиятини шакллантириш, миллий қонунчилигимиз бу борада берадиган имко-

ният ва кафолатлардан тўлиқ фойдалана олишлари учун уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш чораларини изчиллик билан куриш лозим. Ҳолбуки, бу сўнгги жараён улкан ижтимоий-иқтисодий комплексли чораларни амалга оширишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида эришилган ютуқларнинг беқиссизлигини "Хотин-қизлар камситилишининг барча қуришларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси" бўйича БМТнинг махсус комиссияси ҳузурида тақдим этган иккинчи ва учинчи Миллий маърузасининг ижобий қабул қилингани ва баҳоланганлиги билан изоҳласа бўлади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадга йўналтирилган изчил ишлар олиб борилаётганини намоён этмоқда. Аёлларнинг пировад натижада қарор қабул қилиш даражасидаги иштирокини кучайтиришга олиб келувчи йўналиш — хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш юзасидан қурилатган чора-тадбирлар оқибатида қўллаб-қўлловчи ва фаол ўзбекистонлик аёллар муваффақиятли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқдалар, шаҳар ва қишлоқларда янги иш жойларини яратмоқдалар, ҳамюртларининг фаровонлигини оширишга ҳисса қўшмоқдалар. Давлатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар, ҳукуматдан, сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш туфайли миллий парламентимиз — Олий Мажлисда фаол, билимдон, мақсади равшан ва интилувчан аёл-парламентарийларнинг аҳил гуруҳи шаклланди. Улар ўзларини қонунчилик соҳасида ва партияларининг сиёсий фаолиятида тўлиқ ва намунавий намоён этмоқдалар. Албатта, бу сингари эришилган ютуқларни изчиллик билан бардавом этиш ва мустақимлаш зарур.

Бир сўз билан айтганда, демократик аъналар тобора шаклланиб бораётган жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини оширишга қаратилган тўб сиёсий ва ижтимоий ислохотларни эркин ва фаровон келажак сари ташланган муҳим ва айна пайтада истиқболли одим сифатида эътироф этиш жоиз.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси ташаббуси билан Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт Дастури "Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини тақомиллаштириш лойиҳаси" ҳамкорлигида ташкил этилган "Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиниши" мавзусида ўтказилган илмий — амалий семинар

ТАВСИЯЛАРИ

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, улар салоҳиятини тўла-тўқис намоён этилиши учун имкониятлар яратиш, айниқса, бу борада оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига ниҳоятда катта эътибор бериб келинмоқда. Чунки, оила жамиятнинг асосий негизи бўлиб, оилалар мустаҳкам бўлса, жамият осойишта ва барқарор бўлиши аниқ. Шунингдек, жамиятнинг ривож кўп жиҳатдан ана шу жамиятни ташкил қиладиган, унда истиқомат қиладиган фуқароларнинг интеллектуал салоҳияти, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига болғик. Хар томонлама етуқ ва баркамол авлодни парваришлаб воёга етказиш эса, асо-

уларнинг юртимиз аёлларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш билан болғик фаолиятига яқиндан қўмақлашиш.

Барча турдаги марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида, матбуотда хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликлари мавзуси билан болғик бўлган материалларнинг мунтазам равишда ва кенг қамровли тарзда еритилишини йўлга қўйиш.

Хотин-қизларнинг жамият ва давлат қурилишидаги муҳим вазирларига ҳал этишдаги иштирокини таъминлаш мақсадида иқтидорли, юқори интеллектуал салоҳиятга ва касбий маҳоратга эга бўлган етакчи (лидер) аёллардан иборат кадрлар захирасини жорий этиш ҳамда талаб ва эҳтиёжга қўра уларни давлат хизматининг раҳбарлик лавозимларига тайинлаш.

Аёлларнинг давлат хизмати-нинг раҳбарлик лавозимларини эгаллашдаги ҳуқуқини қонун билан мустаҳкамлаш чораларини қўриш ("Давлат хизмати тўғрисида" ги

қонунчи қабул қилишда аёллар манфаатларидан келиб чиқиб, аниқ тақлифларни киритиш).

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва кенг жамоатчиликнинг полигамия, қизларни никоҳ эшига етмасдан турмушга узатиш, қариндош-уруғлар ўртасида никоҳ қуриш, фоҳишабошлик каби иллатлар, трафик, суицид каби ҳолатлар юзасидан масъулиятини оширишининг аниқ чораларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикасининг "Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги ва тенг имкониятларининг давлат кафолатлари тўғрисида"ги, "Аёлларнинг репродуктив ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг барча бўғинларида маънавий йўналишда ўқитиладиган дарсларга гендер тушунчасини киритиш ва ушбу мавзуга алоҳида эътиборни қаратиш.

Эътибор ва эътироф

"Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиниши" мавзусидаги илмий-амалий семинар иштирокчиларининг мулоҳазалари.

Рейхард КРУМ, Фридрих Эрбет номидаги жамгармнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили:

— Аёллар ҳуқуқи доимо долзарб масала бўлган, айниқса, соҳага бўлган эътибор Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларга тўғри келади. Тарихдан маълумки, бозор иқтисодийга ўтиш даврини бошидан кечираётган аксар мамлакатлар аёлларига қийин бўлган. Лекин Марказий Осиё бўйича вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, фақатгина Ўзбекистонда ҳокимият тармоғида аёлларнинг иштироки кўрсаткичлари Сенатда 15 фоиз, Қонунчилик палатасида 18 фоизни ташкил қилади. Масалан, бундай ҳолат Қирғизистоннинг Жогорку Кенгешиде 0 фоиз, Қозғистоннинг Сенатиде 8 фоиз, Мажлисида 12 фоиз, Тожкистоннинг Мажлиси Миллийда 12 фоиз, Мажлиси Намаяндагонда 17 фоиз.

Бу борада юқори кўрсаткичларга эришган Ўзбекистон аёллари ҳақида рисоалар чоп этдик. Бу "Мустақил Ўзбекистон аёллари" ва "Муулмон давлатларидаги замонавий аёллар" китоблари шулар жумласидан.

Васила КАРИМОВА, Республика "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари:

— Мамлакатимизда оила қуриш коэффициенти бошқа давлатларга нисбатан юқори. Лекин улар орасида тинч яшай олмаётган оилалар ҳам анчагина. Бунинг олдини олишда "Маиший зуравонликка қарши" қонунчилиги ишлаб чиқиш, маҳалла-ларда оила ҳуқуқшуносини тайёр-

лаш, қизларнинг никоҳдан ўтиш ёшини 17 дан 18 га ўзгартириш керак. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги яраштириш комиссиясига оид Низомни қайта қўриб чиқиш лозим. Чунки бу комиссиянинг мақсади оилани яраштириб қўйиш эмас балки адолат ўрнатишига қўмақ беришдан иборат бўлиши керак.

Евгений АБДУЛЛАЕВ, БМТнинг Тараққиёт дастури вакили:

— Аёллар ҳуқуқини таъминлаш уч босқичда амалга оширилганини кузатиш мумкин. Илк босқич XIX аср ўрталарига тўғри келиб, эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлиги ҳақидаги расмий ҳужжатлар аксарият давлатларда тасдиқланган. Бироқ бу расмий ҳуқуқ реал ҳаётга фақатгина XX асрнинг ўрталарига келиб тадбиқ этила бошланди — бунинг 2-босқич деб аташ мумкин. Ҳозирги кунда эса тенг мувозанатини таъминлаш тенденцияси юзга келмоқда.

БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаши тадқиқотларига қўра, ҳар қандай давлатнинг қарор қабул қилиш даражасида аёллар иштирокининг юқорилиги билан мамлакат аҳолиси турмуш даражасида болғик-лик мармул экан. Агар бирор давлат парламенти таркибиде аёллар 20 фоиз кўпроқ бўлса, қонуншунослар болалар муҳофазаси ва манфаатлари тўғрисидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқишга киришар экан. Ушбу кўрсаткич 30 фоизга етганда эса аёллар манфаатларига жавоб берадиган қонунлар ва давлат дастурлари юзга кела бошлайди.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя этиш, гендер тенглигига эришиш, аёлларнинг давлат қурилишидаги иштирокини ошириш йўлидаги одимларга назар ташлайдиган бўлсак:

• 1992 йилда — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди
• 1995 йилда — Ўзбекистон Хотин-қизлар аҳоли бўйича IV Пекин Жаҳон Конференциясида фаол иштирок этди. Пекин Фаолият Дастури ва Платформасини имзолади.

• 1995 йилда — Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб: "Хотин-қизларнинг камситилишининг барча шакллари барҳам бериш Конвенцияси" — CEDAW" га қўшилди.

• 1995 йилда — Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб: "Хотин-қизлар сиёсий ҳуқуқлари бўйича Конвенцияси" сағига кирди.

• 1995 йилда — Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб: "Оналикни муҳофаза қилиш Конвенцияси"ни тан олди.

• 1995 йилда — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

• 1995 йилда — Вазирлар Маҳкамасида аёл киши томонидан эглан-надагидан ва ўз навбатида оилани ижтимоий муҳофаза қилиш, оналик ва болалик масалалари бўйича комплекслас масул бош вазир ўринбосари (Вице-премьер) лавозимини жорий этилди.

• 1996 йилда — Оилани ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда оналик ва болалик масалалари бўйича комплекслас томонидан "Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг аҳолини яхшилаш Концепцияси" ишлаб чиқилди.

• 1997-1999 йилда — "Гендер ва Ўзбекистон тараққиёти" Бюросининг фаолияти йўлга қўйилди.

• 1998 йилда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон хотин-қизларининг аҳолини яхшилаш бўйича Ҳаракат дастури ва Платформаси тасдиқланди.

• 1999 йилда — БМТнинг хотин-қизларни камситилишининг барча шакллари барҳам бериш бўйича қўмитасига Ўзбекистонда "Хотин-қизларни камситилишининг барча шакллари барҳам бериш Конвенцияси" бажарилиши бўйича иккинчи ва учинчи Миллий доклады юзасидан қўмита тақдим этилди.

бажарилиши бўйича дастлабки Миллий доклад тайёрланди.

• 2000 йилда — Ўзбекистон Республикасининг делегацияси БМТ Бош ассамблеясининг "Эркаклар ва аёллар: XXI асрдаги тенглик" (Пекин+5) мавзусидаги Махсус сессияси ишида иштирок этди.

• 2001 йилда — БМТнинг хотин-қизларни камситилишининг барча шакллари барҳам бериш бўйича қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг дастлабки Миллий доклады қўриб чиқилди.

• 2001 йилда — БМТнинг хотин-қизларни камситилишининг барча шакллари барҳам бериш бўйича қўмитасининг дастлабки Миллий доклад бўйича берган тавсияларини ижро этиш бўйича чора-тадбирлар Миллий режаси тасдиқланди.

• 2001 йилда — Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинг Институти томонидан "Хотин-қизларни камситилишининг барча шакллари барҳам бериш Конвенцияси" билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги орасида қўмита таҳлил ишлаб чиқилди.

• 2003 йилда — Ер аҳолиси бўйича Қоҳира конференциясининг 10 йиллиги (Қоҳира+10) муносабати билан Миллий ҳисобот тайёрланди.

• 2004 йилда — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги Фармони чиқди.

• 2004 йилда — Ўзбекистон Республикасининг "Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида"ги Қонунига тегишли ўзгаришлар киритилди; сиёсий партиялардан Парламентга номзод этиб сайланаётганда 5% аёллар тақлиб этилиши квотаси ҳақидаги 22-модда қўшилди.

• 2006 йилда — БМТнинг хотин-қизларни камситилишининг барча шакллари барҳам бериш бўйича қўмитасида Ўзбекистонда "Хотин-қизларни камситилишининг барча шакллари барҳам бериш Конвенцияси" бажарилиши бўйича иккинчи ва учинчи Миллий доклады юзасидан қўмита тақдим этилди.

Эътиром нишонаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилингандан сўнг янги Низом асосида иш бошлаган

Республика Хотин-қизлар қўмитаси танловларни янғича услубда ўтказишни ташкил этди. Ушбу ташаббус натижасида иқтидорли номзодлар сонини орди ва барча ўқув муассасаларида, маҳаллаларда танловлар миқёси янада кенгайди.



Дилбар СИДДИҚОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти талабаси:

— Атоқли шоира Зулфия номидаги Давлат мукофоти мана, ети йилдирки, юртимизнинг энг иқтидорли, истеъдодли ва қатор соҳаларда ютуқларга эришаётган, ахлоқи ва одоби билан

эътирофга муносиб бўлган қизларга топширилмоқда. Бугунги кунда уларнинг сонини 98 нафарга етди. Мукофот ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, янги-янги марраларни забт этишга ундаши, руҳлантириши билан қадрлидир.

Рости, мактабда ўқиб юрган пайтларим Зулфияноним қизларига жуда ҳавасим келарди. Бу ҳавас, иштиёқ туфайли ушбу нуфузли мукофотни қўлга кириштиришга аҳд қилдим. Киши яхши эшитиб қилиб, унга эришиш учун астойдил ҳаракат қилса, албатта, мақсадига етаркан.

Бу мукофот нафақат олий ўқув муассасасига имтиҳонсиз қабул қилинишига ёрдам бериб, балки бор иқтидорини намоён қилишга, ўзимга бўлган ишончини оширишга хизмат қилди. Келажакдаги орзу-ниятларим ҳам қатта: олийгоҳни аъло баҳоларга тамомлаб, тасаввуф илми бўйича илмий иш қилиш ниятиданман.

Гулчехра ЗОКИРОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Миллий университети талабаси:

— Нуфузли мукофот таъсис этилгандан буён ўтган вақт давомида танловларда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган энг иқтидорли хотин-қизларнинг синаб қуришди. Зеро, бундан кўзда тутилган асосий мақсад номзодларни топиш ва саралашгина эмас, балки истеъдодли қизлар захирасини ташкил этиш эди ва бунга эришилди. Олиб борилган сайёҳаракатлар натижасида республикамизнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилётган ўз иқтидорларини кўрсатишга етарли шароити бўлмаган талантли тендошларимизни ҳам камраб олгани қувонарли ҳол. Мен ҳам Истиклолнинг ана шундай бахтиёр қизларидан бириман.

Билсангиз, бундай мукофот дунёнинг ҳеч қайси давлатида жорий этилмаган. Ана шундан ҳам қилиш мумкинки, юртимизда хотин-қизлар жуда юксак қадрланади. Бундан ҳар қанча фидан-




рлансак арзийди. Шу ўринда дилимдаги бир гапни айтиб ўтай: Зулфиянонимдек ҳассос шоира номидаги мукофотга муносиб бўлиш зиммамизга гоёт қатта масъулият оқлади. Ўз устимизда кўпроқ ишлашга, юрт қорига ярайдиган етуқ мутахассис кадрлар бўлиб етишиш учун тинмай изланадиган ўндайди. Ана шундангина она Ватанимиз, муҳтарам Юртошимиз, устозларимизнинг юксак ишончинчи, эътиборини оқлаган бўламыз.


Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди. Унда юртимизнинг илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги фидойи ва нуфузли шахслари фаолият юритишмоқда.

Давлат мукофоти моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб этиш яхши самара бераётир. 2004 йилда 5 мингга яқин қизлар танловларда қатнашган бўлса, ўтган йили 11 мингга яқин еш иқтидорли қизлар ушбу мукофотга даъвогарлик қилди. Бу ўтган йилдаги 2 баробар кўп.

Назарингизда Сиз истиқомат қилаётган ҳудудда хотин-қизларнинг қуйидаги ҳуқуқлари қай даражада таъминланган ва ҳимояланади (сўралангандан фойз нисбатиде)?



Сиз истиқомат қилаётган ҳудуддаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қандай баҳолайсиз (сўралангандан фойз нисбатиде)?



Қашқадарё:

Шуқуҳли тонг оғушида



ридли. Шу пайтгача 32,6 километри қувиб тортилди. 15,7 километри фойдаланишга топширилди. 4 та сув кўтаргич иншооти, 11 та сув узатиш насос станцияларида таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

— Лойиҳадаги ишлар тўлиқ бажарилиб, — дейди «Қарши шаҳри сув таъминоти тизимини такомиллаштириш лойиҳаси» раҳбари Илҳом Маҳмудов. — Шаҳар ичимлик суви билан кеча-кундуз узлуксиз, бир меъёрга таъминланади.

